
ХИТОЙНИНГ “САС ENGINEERING” КОМПАНИЯСИ, ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ЖАЛБ ҚИЛГАН ҲОЛДА ФАРҶОНАДА ИЖТИМОИЙ МУАССАСАЛАР ҚУРИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “САС Engineering” компанияси директори ўринбосари Гоу Цзицзе бошчилигидаги компания вакиллари қабул қилди.

Учрашувда Хитой компанияси иштирокида Фарғона вилоятида ижтимоий муассасалар, шу жумладан, мактаблар ва тиббиёт муассасаларини лойиҳалаш ва барпо этиш, бу мақсадда САС Engineering воситаси билан халқаро молия ташкилотларининг узоқ муддатли ва арзон фоизли хорижий кредит линияларини жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди.

2001 йилда ташкил этилган ҳамда дунёнинг энг йирик 200 та компанияларидан бири бўлган Хитой миллий машинасозлик корпорацияси (SINOMACH) таркибига кирувчи “САС Engineering” компанияси, турли йўналишлардаги энг мураккаб объектларни лойиҳалашдан тортиб, қуриб фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараённи амалга ошириш имкониятига ва тажрибасига эга йирик муҳандислик компанияси ҳисобланади.

САС Engineering мамлакатимизда кўплаб йирик лойиҳаларни, хусусан, “Навоийазот” ОАЖ базасида поливинилхлорид (ПВХ) ишлаб чиқариш бўйича қиймати 439,8 миллион долларлик кимё мажмуасини барпо этган. Бугунги кунда 2025 йилги ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинлари учун Тошкентда 100 гектар майдонда барпо этилаётган, умумий қиймати 289 миллион доллардан зиёд бўлган Олимпия шаҳарчаси лойиҳасини ҳам амалга оширмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 139 умумтаълим мактаби, қатор тиббиёт муассасалари қурилиши, кўплаб ижтимоий объектларнинг реконструкцияси режалаштирилганини қайд этган вилоят ҳокими, САС Engineering билан ҳамкорликда иш олиб борувчи халқаро молия ташкилотларининг узоқ муддатли ва арзон фоизли кредит линияларини жалб этиш орқали бу лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга тайёр эканликларини билдирди.

Шунингдек, САС Engineering компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан Экошаҳар ҳудудида кўп қаватли турар-жойлар барпо этиш, Фарғона шаҳрида жаҳон талабларига мос Экспо ҳамда бизнес маркази барпо этиш бўйича ҳам ҳамкорлик юзасидан дастлабки келишувга эришилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-19 17:59:52